



«Альфансонинг мактуби Яъқубга етиб келганда у мактубни йиртиб ташлаб, унинг бир парчасини орка бетига куйидаги оятни ёзади:

«Сен (кавмингга) кайтиб бориб (айтгинки, агар хузуримга бўйсунган холларида келмасалар), албатта, биз уларга шундай кўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва, албатта, биз уларни (кишлокларидан) мағлуб холларида хор қилиб қувиб чиқарурмиз».

Жавоб факат амалда кўрсатилади!» Ислом тарихчиси, доктор Али Саллабий

Бу китобда Андалусни Мусо Нусайя ва Торик ибн Зиёд томонидан фатх этилганидан тортиб, Андалусиянинг кулашига қадар, ундан кейин усмонийлар ҳаракати, Муҳаммад

ибн Умайянинг кўзголини, ундан кейинги Юсуф ибн Ташфин, Абдурахмон Насир ва Абу Юсуф Яъкуб Мансур Маринийларнинг галабаларига саёхат килдик. Дархақиқат, мен Андалусияни барча тафсилотлари билан баён килмокчи бўлдим. Мақсадим тўқилган сутга йиглаб ўтириш эмас. Андалусия тарихининг буюк галабалари, шон-шухрати, қолаверса, унинг мағлубиятида ҳам мусулмонлар учун ибрат бордир. Биз динни маҳкам ушлаганларни оз ададли кўшин билан улкан галабаларга эришганларини кўрдик. Уларни дунёга муҳаббат қўйганларида, мағлубият аламини тотиб, хатто салиб юришчиларига солиқ тўлаган ҳолатларини ҳам ўқиб чиқдик. Шунингдек, Сенегал чегарасида подачилик қилиб юриб, Африкада энг қудратли империяга асос солган шайх Абдуллох ибн Ясин сингари қаҳрамонлар таназзулга юз тутаятган умматни гуллаб ўсган ҳолатга олиб чиққанини кўрдик. Дунёга бўлган муҳаббатидан салиб юришчиларига Андалусиянинг кулашига ёрдам берган Муҳаммад ибн Факих каби ҳоинларни ҳам кўрдик. Мағриблик буюк баҳодирни кези келганда Андалусияга ёрдамга бориб, мусулмонларни қутқарганини ҳам кўриб қивдик. Шунингдек, хиёнаткорлик ила салиб юришчиларига ишлаган амирларни ҳам ўқиб ўтдик. Дарвоқе, Андалусиянинг галабалари ҳамда мағлубиятлари - Ислонинг қисқача тарихидир десак, муболага бўлмас. Агар ёшларимиз буларни ўрганишга жидду жавд қилсалар, Андалусия тарихидаги тайфалар подшолиги каби, мусулмонларни ҳозирги аҳолидан қандай қилиб юксакликка олиб чиқишни англаб етар ҳамда унинг йўлларини излар эдилар.

Қаҳрамонимиз - Абу Юсуф Мансур Муваххидий Алмоҳадлар (Ал-Муваххидун) - Алмоваридлар ҳукумати қулагандан сўнг Мағриб ҳамда Андалусиянинг Ислоний шаҳарларига раҳбарлик қилган. Алмоҳадлар мамлақати Аллох таоло уларни тўғри сунний йўлга бошлагунча, бузук бир ақидага қурилган мамлакат бўлганини эшитганда, таажжубга тушишингиз мумкин. Бу мамлакатнинг асосчиси Муҳаммад ибн Тумарт аввал ақидаси нотўғри бўлган раҳбар эди. Чунки у Ирок шиаларининг қўлида гаҳсил олиб, унинг онги қадимги грек фалсафаси ҳамда ўтпарастил ақидаларида сугорилган эди. У ўрганиб келган фалсафасида мўътазилийларнинг ўзгартирилган гоялари ҳам қўшилганди. У кейинчалик ўзини мен Махдийман деб чиқади. Сўнгра у Мағрибга бориб, ўзининг бузук ақидасига биноан Алмоҳадлар мамлақатига асос солади. Унинг бузук гоялари мамлакат бошига Абу Юсуф Яъкуб Мансур Муваххидий қелиб Ибн Тумартнинг адашганини айтгунга қадар, халқнинг бошида тумандай қоплаб тураверади. Абу Юсуф уруш майдонига чиқишдан аввал ўзининг бузук ақидаси устидан қолиб келган. Инсон ўз эътиқодидаги нотўғрилиқни кейин тушуниб етса, сўнг уни тўғриласа, бу айб эмас. Лекин тўғри эмаслигини билгандан сўнг ҳам ундан қайтмаса, бу айни жаҳолатдир. Сўнгра қаҳрамонимиз Ливиядан тортиб Атлантика океанигача бўлган Мағриб шаҳарларини бирлаштириб, Мағрибдаги мусулмонлар бирлашишига тўсқинлик қилган Ганидлар билан жанг қилишга қиришади.

Доктор Али Саллабий «Давлатул Муваххидин» (Алмоҳадлар давлати) китобида Абу Юсуф Муваххидий ҳақида шундай дейди:

«Абу Юсуф Яъкуб Мансур мусулмонлар ҳавфсизлигини таъмин этиб, уларни бирлаштиришга муваффақ бўлади. Алмоҳадларни тартибга келтириб, уларга қўшиб араб бадавийларини ҳам Андалусиядаги урушга олиб чиққан. Бу бирдамлик - унутилмас Аларкос урушида насороларни мағлубиятга учрашига асосий сабаб бўлган. Абу Юсуф Яъкуб Мансур Ганидлар билан бўлган қелишмовчиликни бир ёкли қилгандан сўнг, Андалусиядаги христианларга қарши жанг қилишни мақсад қилган. Бу унинг оқил идрок соҳиби эканлигидан далолатдир».

Мана шу пайтда Кастилияда Альфонсо VIII исмли золим подшоҳ яшаган. Бу Заллакедаги Ибн Ташфин тор-мор этган Альфонсо эмас. Буларни адаштирмаслик керак. Чунки улар бу исмни кўп бора кўллашган. Бу Альфонсо Андалусияда қарияларни ўлдириб, аёлларни номусига тегиб, хаддан зиёд бузукликлар қилган. Сўнгра у Алмоҳадлар султониға қуйидаги мактубини йўллайди:

«...Мен христиан халқининг амири бўлганимдек, сени ҳам ўз дининг-дагиларни амири эканлигинг зийрак ақл эгаларига сир эмас. Мени Андалусиянинг бошликлари заиф, қучсиз эканидан хабарим бор. Мен уларни ўз маконидан қувиб чиқармоқчиман. Уларнинг фарзандларини тутқунга олиб, эркакларини азоблайман. Имкониятинг бўла туриб уларға ёрдам бера олмаётганинг учун ўзингни оқлолмайсан. Аллоҳ таоло сизларни бир аскарингиз бизнинг ўн аскаримиз билан урушишни буюрган дер эдинг. Энди эса Аллоҳ сизларни заиф эканлигингизни кўриб, уни енгиллаштирди. Энди биздан бир одам сизларни ўн аскарингиз билан жанг қилади. Сизлар ҳозир химояланишға ҳам, урушдан бош тортишға ҳам қодир эмассизлар. Билишимча, сен аскар йигиб, урушға отланаётган экансан. Вактни бекорға сарф қиляпсан. Сен олдинга бир қадам, ортга икки қадам ташламоқдасан. Сени жанг қилишға аскарларинг тўсиб турибдими ёки Худойингни берган ваъдасига шубҳа қилмоқдамисан. Менга етиб қелишича, сен денгизни кесиб ўтолмас эмишсан. Энди сўзимни эшит: сен билан олдингга бориб, хоҳлаган жойингга жанг қиламан. Мабодо сен қолиб бўлсанг, катта ўлжаға эга бўласан. Узим сенга энг қиммат совға бўламан. Агар мен сени мағлуб этсам, унда икки ерга эгалик қилиб, икки ўлка ҳукмдори бўламан».

Альфонсо VIII нинг мактуби Яъқубға етиб келганда, у мактубни йиртиб ташлаб, унинг бир парчасини орқа бетига қуйидаги оятни ёзади:

«Сен (қавминга) қайтиб бориб (айтгинки, агар ҳузуримга бўйсунган ҳолларида келмасалар), албатта, биз уларға шундай қўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва, албатта, биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида хор қилиб қувиб чиқарурмиз».

«Жавоб факат амалда кўрсатилади!»

Воқеа давомини доктор Али Саллабий қуйидагича баён қилади:

«Яъқуб Мансур Альфонсо VIII нинг мутақаббирлигидан газабланди. Унинг Ислом динига бўлган ғайирлигидан Аллоҳ йўлида жанг қилиш учун тайёргарлик кўра бошлайди. У аскарларини шижоатлантириш ҳамда уларни нафратини ошириш учун бу мактубни ҳаммага тарқатишни буюради. Одамлар мактубни ўқиб, у билан урушишни талаб қилиб чиқадилар. Алмоҳадлар раҳбари қизил қодирини тикиб, катта қиличини олиб қелишларини амр қилади. Хар тарафдан қелиб қўшилган аскарларға Сеута ва Андалусия яқинига бориб жойлашишларини буюради. Бутун Мароқаш ҳамда Сал шаҳридан тортиб Атлантика океанигача бўлган ҳудудларға, шунингдек, Миср чегарасигача бўлган ўлкаларға таҳдид солган христианларға қарши уруш эълон қилинади.

Абу Юсуф Андалусиядаги мусулмон биродарларига ёрдам бериш учун Шимолий Африканинг 200 000 аскар билан йўлга чиқади. Шунда Ватиканнинг Папаси салиб юришчиларига ёрдам қилиш учун ялпи мобилизация эълон қилади. Уларға Голландия, Германия, Франция ҳамда Испаниядан 250 000 аскар йигилади. Мусулмонлар ҳам салиб юришчилари ҳам Андалусиянинг тақдири ҳал бўлувчи урушға кетаётганини билишар эди. Иккала қўшин 1195 йили июль ойида (х.591 й. шаъбон ойида) Аларкос шаҳрида шиддатли жанг олиб борадилар Андалусия тарихидаги энг катта ва унутилмас жангда мусулмонлар ғалаба қозонадилар. Ҳақиқатан, Аларкосдаги уруш Заллакедагига

караганда, каттарок бўлган. Мусулмонларнинг бу галабаси бутун оламга овоза бўлган. Барча мусулмон ахли Аллохнинг мадади билан эришган бу галабани чексиз кувонч ила қабул қилишган.

Мансур Муваххидийнинг Аларкосдаги унутилмас галабасини кўпчилик билмаслиги мумкин. Аммо буюк курд пахлавони хакида эшитмаган одам топилмаса керак. У Аларкосдаги жангдан бироз аввалроқ Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам осмонга кўтарилган мусулмонлар учун муқаддас жойни салиб юришчиларидан озод қилган. Фаластин тарихидаги хал қилувчи уруш қахрамони ким бўлган? Буюк баходир галабага қандай эришган?